

УДК: 73/76

## АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ

Ю.Ибрагимов, С.Йўлдашева

### Аннотация

Мақолада тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш жараёнида Алишер Навоий асарларидан фойдаланиб, ранглар уйғунлиги асосида техник кашфиётларни тушунтириш йўллари кўрсатилган.

### Аннотация

В статье рассматриваются вопросы использования произведений Алишера Навои в процессе обучения изобразительному искусству и инженерной графике, а также приводятся примеры технических исследований гармонии красок.

### Annotation

In the article reviews the issues of using Alisher Navoiy work's in teaching fine arts and engineering graphics, the example of technical investigations of harmony of colouration are cited.

**Таянч сўз ва иборалар:** қизил, сариқ, яшил ранглар, светофор, электр нури, экран, кадр, фото тасвир, негатив, тахайюл.

**Ключевые слова и выражения:** красный, желтый, зеленые цвета, светофор, электрический свет, экран, кадр, фотоизображение, негатив, фантазия.

**Key words and word expressions:** red, yellow, green colours, traffic light, electric light, monitor, frame, photo, negative image, fantasy.

Агар бу улуғ зотни авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони.

Ислом Каримов.

Истиқлол шарофати билан ўзлигимизни, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлигимизни англадик, бунёдкор ва яратувчи халқ сифатида мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини ва имкониятларини бутун оламга намоён қила олдик. Мустақиллик берган беқиёс имкониятлар натижасида эркин ва фаровон ҳаёт қуришга, миллий ўзлигимизни теран англашга, аждодларимиз тарихи ва миллий меросимизга эга бўлдик.

Ҳозирги кунда юртимизда яшаб ижод этган буюк алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш борасида жуда кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг бизга қолдирган бой маънавий мероси бугунги кун пойдеворини қуришда мустаҳкам замин вазифасини ўтаб келмоқда. Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир

кўрсатган улуғ зотлардан бири – бу, Алишер Навоий. Инсон қалбининг қувонч-у қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан кам топилади.

Навоий турли соҳаларни: адабиёт, тарих, тил билимлари, мусиқа, расм, хаттотлик, меъморчилик ва шу кабиларни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш билан бирга, илм ва санъат арбобларига ёрдам берар, уларни рағбатлантирар ва қимматли маслаҳатлар берар эди. Алишер Навоий илмий-адабий асарларни яратишда ўз давридаги олимлар, адиблар ва шогирдларига намуна кўрсатди. Унинг асарларининг деярли ҳаммаси тарбиявий ва илмий аҳамиятга эга бўлиб, халқ манфаати ва турмуш ҳақиқатларини куйлар эди.

Маълум бўлишича, Алишер Навоий ўз асарларида бугунги кунда бизга хизмат қилаётган айрим ҳодисалар ҳақида ҳам ёзиб қолдирган экан. Масалан, унинг ғазалларидан бирида шундай сатрлар мавжуд:

Ю.Ибрагимов – ФарДУ педагогика кафедрасининг катта ўқитувачиси.

С.Йўлдашева – ФарДУ тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаси.

**Хилқатин то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил,**

**Шуълаи оҳим чиқар ҳар он қизил, сориғ, яшил.**

**Шишадек кўнглимдадир гулзори хуснинг ёдидин,**

**Тободонинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.**

Ҳазалда инсон руҳий ҳолатларининг нозиклиги, сирлилиги, ташқи дунё ва одам сурати билан уйғунликда экани жуда нозик ҳолатда тасвирланган. Шоир танлаган уч ранг – қизил, сариқ, яшил ўзининг барча товланишлари билан намоён бўлади. У гарчи ёр тавсифига бағишланган бўлса-да, юқоридаги сатрларни ўқиб, сизнинг хаёлингизда ҳам бугун бутун дунёда машиналарнинг қатновини тартибга солиб турган светофор гавдаланганига шубҳа йўқ. Тўғри, бир қарашда бу шеър ва светофорнинг бир-бирига умуман алоқаси йўқдек туюлади. Аммо ранглар силсиласи, уларга юкланган вазифа иккисини бир-бирига боғлаб турганини илғаш у қадар қийин эмас. Маълумки, қизил ранг тақиқ белгиси, ёр дастлаб ошиқнинг севгисини рад этади, ноз қилади. Сариқ ранг тайёргарлик, ошиқнинг ранги сарғайиб, фиғони кўкка ўрлайвергач, жононнинг кўнгли ҳам унга илий бошлайди. Яшил ранг – бу, йўл очик дегани. Ҳазалда лирик қаҳрамон – ёр турфа ранглардаги кийимларда кўриниш бериб, ошиқ кўнглини тўлқинлантиради. У яшилликка бурканганда васл айёми бошланади. Дарвоқе, Навоий байтларида илк бор намоён бўлган бу рамз, яъни светофор америкалик олим Гарриет Морган томонидан 1916 йилга келибгина кашф қилинди.

Энди мана бу сатрлар («Фавойид – ул кибар») га эътибор қаратайлик:

**Нега таркинг этмай, эй чархки: шому ахтарингдин –**

**Қародур юзинг ва лекин ... оқ эрур юзингда холинг!**

Мазкур байтнинг иккинчи мисрасида фото тасвир ибтидоси – негатив кўринишлар (оқ рангнинг – қора, қора рангнинг оқ бўлиб кўриниши) ҳақида гапирилаётгандек гўё. Урни келганда эслатиш жоизки, биринчи фотоаппарат француз олими Луи Жак Даггер томонидан 1839 йилда кашф қилинган. Илк негативлар ҳам айнан шу йили Фокс Тальбот томонидан ихтиро

этилади. Навоий эса улардан деярли 350 йил олдин бу ҳақда бадиий тафаккур маҳсулини ифодалаган.

Барчага яхши маълумки, 1928 йилда Тошкентда ихтирочилар – Б.Грабовский ва И.Белявский электр нур ёрдамида ҳаракат қилаётган тасвирни бир жойдан узатадиган ва қабул қиладиган аппарат яратиб, уни муваффақиятли синовдан ўтказишди. Натижада, юртимиз пойтахти телевидение ватани сифатида тан олинди.

Аммо Навоий улардан ҳам анча йиллар олдин буни тахайюл (фантазия) қудрати билан кўра олганди. Сўзимиз исботи учун «Фарҳод ва Ширин» достонидан олинган қуйидаги мисраларни келтириш кифоя:

**Ғаройиб кўй ҳувайдо бўлғусидир,  
Кўриниб ҳар замоне – кўзга бир шакл,  
Кўз олғор бўлғусидир ўзга бир шакл!  
Чу бўлди жилвагар ошкор юз навъ,  
Анга ҳам бўлғуси – тимсол юз навъ!**

Маълумки, экранда кадрлар бир секундда 24 маротаба алмашиб, жонли тасвир кўринади. Шакл – бу, кадрлар, десак, уларнинг алмашинувидан турли ғаройибот, жонли сурат, рангин қиёфалар силсиласи намоён бўлади. Энг ажабланарлиси, Навоий бу қурилмани ҳам ўз ҳолича «ойнаи жаҳон», деб номлайди. Фарҳод узоқ Арман ўлкасининг маликаси Шириннинг хусну жамолини айнан шу восита орқали кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолади. «Фарҳод ва Ширин» достонини мутолаа қилишда давом этсак, бугун тилимиз анча келишиб қолган XX аср яратиларидан бири – роботлар ҳақидаги сатрларга ҳам кўзимиз тушади:

**Бўлур дарвоза ичра ошкоро,  
Темир жисмики қилмиш пайкар оро.  
Эрур одамга монанду мушобиҳ,  
Илгида темурдан ёй қилиб зиҳ.  
Ва лекин ушбу пайкар рой то фарқ,  
Бўлиб ўтдек темур ўрчин аро ғарқ.**

Маъноси шундай: «У одамга жуда ҳам ўхшар, қўлида ўткир ўқ тортилган темир ёйни ушлаб турар эди. Бошдан – оёқ совутга ўралган бу темир одам ич-ичидан ёниб турарди.»

«Хамса»нинг тўртинчи достони – «Сабаъи сайёр»да эскалатор ва лифт ҳақидаги фаразларни ўқиган машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ҳам ҳайрат оғушида қолганини яширмаган экан:

**Поялар мақдамида бўлгай паст,  
Айлагай бир – бири юзига нишаст.  
Чун секиз поя қатъ бўлди тамом,  
Айлагач шоҳ ўз ерида мақом.  
Яна ул поялар баланд ўлгай,  
Тахдидин шоҳ баҳраманд ўлгай.  
Ким, қаён шоҳ бўлур нишотангез,  
Оз ишорат била югургай тез.**

Маъноси: «Шоҳ бу тахтга чиқадиган бўлса, пиллапоялар унинг қадам қўйиши учун пасайиб, бир-бирининг устига ётади. Шоҳ қай тарафга қараб ўтиришни хоҳласа, озгина ишорат кифоя. Тахт ўша тарафга қараб айланади. Бу ерда кейинги асрларнинг, янаям аниқроғи – 1892 йилда америкалик кашфиётчи Жесси Рено томонидан ясалган эскалатор ҳақида гап кетаётганига шубҳа йўқ ...»

Алишер Навоий ижодий мероси улкан чўққига ўхшайди. Узоқдан назар солсангиз, шундоққина қўл етгудек масофада кўринса-да, бу ақлга сиғдириб бўлмас ижод оламига кириб борганингиз сайин унинг нақадар

улуғворлигини ҳис эта бошлайсиз. Алломанинг асарларида бутун олам ва инсониятга дахлдор барча муаммо-ю тушунчалар ўзининг ечимини топгандек гўё, Навоийнинг сўз санъатида ўзига эришган барча ютуқларни ўзида мужассам этган шеърини ҳақиқатан ҳам теран ва ранг-барангдир.

Мақсадимиз тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш жараёнида Алишер Навоий асарларига ўрни билан мурожаат қилинса, ёш авлодни адабиётга ва техникага қизиқиши ортади. Бу эса ўқувчиларнинг тафаккур оламини ва фазовий тасаввурини бойитади. Натижада ўқувчиларнинг ижодий қобилиятлари шакллана бошлайди. Уларда конструкторлик ва ихтирочиликка бўлган кўникмалари секин-аста шаклланади. Энг муҳими, аждодларимизнинг тахайюл қудрати ўз замонасидан анча илгарилаб кетганига гувоҳ бўладилар, уларнинг муносиб ворислари бўлишга интиладилар.

#### Адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Шарқ. 2013.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1–6 жилдлар. – Тошкент. 1984 – 1986.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева педагогика фанлари доктори, профессор).